

ХДР

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshлаган

№45, 2023-йил
15-ноябр,
chorshanba (32.791)

Ўзбекистон ОҲОҲИ

Иjтимоий-сиyосий газета

Биргаликда иjтимоий давлат сари!

ИМТИЁЗ БОР, ИМКОНИЯТ ҚАМ



ҲАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАРАҚҚИЁТ АСОСИДИР

Ўзбекистон нафақат минтақавий, шу билан бирга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда тобора муҳим ўрин тутмоқда. Муаммоларни биргалликда ҳал этиш, стратегик режаларни ҳамжиҳатликда белгилаш халқимизнинг ҳаётий анъналарига ҳар томонлама мос келмоқда. Бу барчамизни қувонтиради, тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорликнинг зарурати ва аҳамияти ҳақида мушоҳада юришига ундайди.

Кенг жамоатчилигимиз Президентимиз бошчилиги ва ташаббускорлиги асосида изчил олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни фаол қўллаб-қувватлаётганига бевосита гувоҳ бўляпмиз. Айниқса, юртимизда кейинги йилларда янги форматларда олий даражадаги учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда, муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Дунёдаги экспертлар Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда тутган ўрни ва позицияси тобора мустаҳкамланаётганини эътироф этаётгани бежиз эмас.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган нуфузли Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн олтинчи саммитида билдирилган фикрлар, олға сурилган ташаббусларни юрдошларимиз, халқаро ҳамжамият ва экспертлар катта қизиқиш билан кузатди.

Саммитга раислик қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида бугун кўз ўнгимизда дунё сиёсий архитектураси том маънода ўзгараётгани, глобал қайта қурилиш содир бўлаётгани, бу мураккаб жараёнларда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиш, вужудга келаётган хавф-хатарларга қарши самарали ечимлар топиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Шу жиҳатдан саммит "Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари" шиори остида ўтгани муҳимдир. Ташкилотга аъзо давлатларда ярим миллиард аҳоли яшайди, барқарорлик учун иқтисодий ҳамкорлик ниҳоятда зарур. Ҳозирги мураккаб вазиятда яқин ҳамкорлик билангина амалий натижаларга эришиш мумкин. Халқ демократик партияси ўзаро манфаатли кўп томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий ҳамкорлик бўйича савдо-иқтисодий, саноат, инвестиция ва инновациялар, транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш бўйича аниқ таклиф-ташаббусларни билдирди.

Уларнинг ҳаётийлиги ва муҳимлиги яқин ва яхши кўшни бўлган мамлакатларимиз иқтисодиётлари бир-бирини тўлдиролгани билан изоҳланди. Умумий савдо-транспорт коридорлари ва энергетика тармоқлари давлатларимизни узвий боғлаши, янги "ўсиш нуқталари"ни биргалликда излаб топиш орқали келгусида салмоқли натижаларга албатта эришимиз қайд этилди.

Давоми 2-бетда. ▶

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Хусусан, "Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

ЕНГИЛЛИК МУҲИМ, ЭРКИНЛИК УНДАН ҲАМ...

2 САҲИФА



ТОШКЕНТ САММИТИ ДУНЁ НИГОҲИДА

3 САҲИФА

ОРТГА ҚАЙТИШМИ?

МАРКАЗИЙ БАНК ЮРИДИК МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИНИ СОТИБ ОЛИШ ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА. ВАЛЮТА СОТИБ ОЛИШДА ЗАРУР БЎЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР СЕНИ ОРТИШИ, НОРЕЗИДЕНТЛАРДАН МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ МАБЛАҒЛАРНИНГ ҚЕЛИБ ЧИҚИШИ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА БОШҚАЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНИШИ МУМКИН. МАРКАЗИЙ БАНК ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМОЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА УЧУН ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

7

ОБУНА — 2023

Энди «Ўзбекистон овози»
газетасига

CLICK VA Payme

иловалари орқали
обуна бўлишингиз
мумкин.

Нашр
кўрсаткичи —
220.
Боғланиш учун
телефонлар:
(71) 239-12-14, (71) 239-18-84.



MUNOSABAT



ҲАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ БАҲҚАРОРЛИК ТАРАҚҚИЁТ АСОСИДИР

Ҳозирча ишга солинмаётган катта имкониятларнинг чуқур таҳлили асосида "Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари – 2035" концептуал ҳужжатини ишлаб чиқиш вақти келгани ҳақида позиция билдирилди. Яъни, давлатимиз раҳбари иқтисодий ҳамкорликка стратегик мақсад сифатида устуворлик беришни таклиф қилди.

Ўзаро савдони рағбатлантириш нима учун муҳимлиги аниқ рақамларда кўрсатиб берилди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо кўрсаткичи 85 миллиард долларни ташкил этгани ҳолда, Ташкилотга аъзо давлатлар умумий ташқи савдосининг 8 фоизини ташкил этган. Имтиёзли савдо битимини тузиш бўйича кўп йиллик уринишлар қўйилган самарани бермаётгани, тўсиқсиз савдони шакллантириш йўлида ҳали-ҳамон кўплаб чеклов ва муаммолар сақланиб қолаётгани маълум қилинди.

Президентимиз тўғри таъкидлади – реал ҳолатларни очик тан олиш ва уларни ижобий томонга ўзгартириш учун вазиятга янгича қараш билан ёндашиш керак. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида савдони соддалаштириш тўғрисидаги битим орқали товар ва хизматлар савдосини енгиллаштириш, техник ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, боғжона, фитосанитария ва ветеринария тартиб-қоидаларини рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий алоқалар асосан савдо орқали мустаҳкамланади, мамлакатларимиз фуқаролари, ишлаб чиқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари ўртасида доимий ва фаол ҳамкорлик учун қулай шароит яратилса, халқларимиз ўртасида-

ги ҳамкорлик ривожланади. Шунинг учун қулай муҳит зарур.

Қатор чора-тадбирлар орқали 2035 йилга бориб ўзаро савдо ҳажмларини камида икки баробар кўпайтириш мумкинлиги қайд этилди, давлатимиз раҳбари илгари сурган таклифлар билан бундай натижага бемалол эришиш мумкин, албатта.

Ҳамкорлик йўлсиз бўлмайди. Саммитда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Тарихий географик ҳолат минтақада асосан қуруқликдаги йўлларни қулайлаштиришни, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Президентимиз Осиё-Тинч океани, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа минтақаларининг йirik борзорлари билан боғлайдиган ва бизнинг ҳудудларимиз орқали ўтадиган трансконтинентал транспорт йўлакларини салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. "Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Туркия" транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатга бошқа аъзоларни ҳам қўшилишга, ўзаро тариф ва йигимларни мақбуллаштиришга чақирди.

Алоҳида қайд этиш зарурки, иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкамланиши минтақада умумий турмуш фаровонлиги ошишида, долзарб ижтимоий масалалар самарали ҳал этилишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар билан алоқалар ҳар томонлама мустаҳкамланиши халқимизнинг тарихий анъаналари ва бугунги манфаатларига тўлиқ мос келади.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари.

◀ Давоми, бошланishi 1-бетда.

БОҚИМАНДАЛИК ЭМАС, ФАОЛЛИК УЧУН...

Мамлакатимизда ҳеч қайси ижтимоий қатлам эътибордан четда қолмаяпти. Кейинги йилларда "Инсон қадрини учун" деган тамойил асосида кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати жуда кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олади, жумладан, аҳоли даромадларини тартибга солиш, иш билан таъминлаш ва янги меҳнат муносабатларини шакллантириш, аҳолининг айрим тоифалари ва гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим ва бошқалар.

Жамиятнинг тўртта муҳим соҳаси мавжуд бўлиб, булар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий жабҳалардир. Ана шулар ичида ижтимоий соҳа аҳолининг асосий эҳтиёжларига хизмат қилувчи тармоқлар мажмуи сифатида қамрови жиҳатидан ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради.

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш масаласи жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб, ҳозирги кундаги энг долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Амалдаги қонунчиликка асосан аҳоли бандлиги соҳасида давлатимиз иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш, ёшларни, таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича изчил сиёсат юритилмоқда.

Мамлакатимизда фаол меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 19 миллион 453,3 минг нафар бўлиб, меҳнат билан банд бўлганлари сони 13 миллион 773,6 мингга яқин. Ишсизлик даражаси 2021 йил якуни бўйича 9,6 фоизни, 2022 йил якуни бўйича 9,2 фоизни ташкил этган.

Жамоат ишлари дастури бўйича 82 минг 602 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида режага нисбатан 114,2 фоизга ортиги билан бажарилган. Бандликка қўмаклашиш дастури доирасида эса ярим йилликда 5 мингдан зиёд касбий-малакавий курслар ўтказилган ҳолда, режа 143,4 фоизга бажарилган.

Мамлакатимизда ишсизлик даражасини камайтириш ва аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Амалдаги тартиб бўйича иш билан банд бўлмаган фуқаро маслаҳат олиш ёки иш изловчи сифатида рўйхатдан ўтиш учун бандлик органига мурожаат қилиши лозим. Ишсиз фуқаро расмий рўйхатга олинганда бошқаб унга ишсизлик нафақаси тўлаб берилмоқда. Оилаларнинг, фуқароларнинг оғир ижтимоий ҳолатга тушиб қолишининг олди олинмоқда. Бу яхши ва қонун талаби.

Аммо ҳаётда бошқаб ҳолатлар ҳам учрамоқда. Баъзи фуқаролар фақатгина нафақа тайинланишини сўраб ташкилот-

га мурожаат қилади, тайинлангач эса иш ўрни сўраб қайта келмайди. Бундан баъзи фуқаролар "бандлик органига иш эмас, нафақа учун мурожаат қилмоқда", деган хулосага келиш мумкин. Ҳатто но-расмий даромад олаётган фуқаролар ҳам "маслаҳат олиш" учун мурожаат қилиб, аслида болалар нафақаси олаётир.

Шундай ҳолатларнинг олдини олиш, фуқароларга аниқ, манзилли ижтимоий ҳимоя кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон кўринишда ариза беришни жорий этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан ижтимоий нафақаларни тайинлаш мезонига бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Авалло, нафақа олувчиларнинг даромади ва мол-мулкни ҳар ойда электрон ахборот тизими орқали ўрганиш ҳамда кам таъминланганлик мезонларига тўғри келмайдиган оилаларни реестрдан чиқариш таклиф этилмоқда.

2024 йил 1 мартдан "маҳалла еттичилиги" томонидан жойига чиққан ҳолда оиланинг номига расмийлаштирилмаган, бироқ фойдаланувчи бўлган мол-мулкларни ўрганилади.

Ўрганиш натижалари дастурга киритилади ва ахборот тизими томонидан нафақа тўловини тўхтатиш ёки давом эттириш бўйича автоматик қарор қабул қилиш тизими жорий этилади.

Шунингдек, бандлик органига маслаҳат олиш учун мурожаат қилган ишсиз фуқаролар уч ой давомида касбга ўқимаса, ишсиз сифатида рўйхатга олинмаса ҳамда меҳнат фаолиятини расмийлаштирмаса, тўловни тўхтатиш таклиф этилмоқда.

Кредит олган, хорижда ишлаётган, томорқа ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан шуғулланувчи шахсларнинг солиқ органларида расмий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳамда Давлат персоналлаштириш марказининг электрон маълумотида асосан автоматик равишда бандлигини аниқлаш тартиби жорий этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор билан жорий этилаётган ўзгаришлар адолатсиз равишда нафақаларни олиш ҳолатини бартараф этиб, муҳтож оилаларнинг ижтимоий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтиради. Давлат томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топида қийналаётган шахсларни аниқлаш ва уларга тўланадиган нафақаларни манзилли етказиб бериш учун ҳуқуқий замин яратилади.

Алоҳида қайд этиш керакки, бу янгиликлар Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари амалга ошиши, электроти манфаатлари самарали ҳимоя қилинишида долзарб ижтимоий аҳамиятга эга бўлади.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси.

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

ЕНГИЛЛИК МУҲИМ, ЭРКИНЛИК УНДАН ҲАМ...

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Хусусан, "Айрим тоифадаги жинсий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Лойиҳага кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш ҳаракатларини содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи модда билан тўлдирилмоқда. Бунда учувчисиз учадиган аппаратларни давлат ағалигига ўтказиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, Жиноят кодексига белгиланган санкцияларга муқобил жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш каби жазо турлари киритиш таклиф этилмоқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, бу қонун лойиҳаси қонунчиликдаги қатъий жазони маъмурий жазо билан енгиллаштиришни назарда тутмоқда. Бу депутатлар томонидан қўлланди.

Шу билан бирга, дронлар ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалада бошқа қўшимча фикр ва таклифлар ҳам илгари сурилди.

Зулайхо АКРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда республика ҳудудига олиб кириш фуқаролар томонидан қонунчилик талабларини билмаслик оқибатида ҳам содир этилмоқда. Хусусан, узоқ муддат чет эл ҳудудида яшаб қайтган фуқаролар ёки республикага биринчи марта кириб келаётган чет эл фуқаролари томонидан ҳам бундай моламаларни олиб киришга тақиқ борлигидан хабари бўлмаслиги ҳам ҳуқуқбузарлик содир этилишига сабаб бўляпти. Шундан келиб чиқиб, қонунчиликда белгиланган меъёрлар аҳолига тушунарли тарзда ифодаланиши ва масъуллар томонидан тушунтириш ишлари кучайтирилиши зарур.

Иккинчи томони эса худди шу турдаги болалар ўйинчоқлари ҳам мавжуд. Улардан фойдаланишнинг оқибатлари ёки тартиби билан боғлиқ меъёрлар кўзга ташланмади. Билмаган ҳолда, боласига шундай ўйинчоқ совға қилса ёки болалар улардан фойдаланса ҳам жазо чоралари бир хил бўлади, деган тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Шунинг учун бу борада аниқлик керак, менимча.

Қонун ташаббускорларининг қайд этишича, бу масала бўйича



аниқ мезонлар белгиланган. Ҳаво кемасининг ўйинчоқ модели ва учувчисиз учадиган аппаратларга талаблар назарда тутилган меъёрий ҳужжат мавжуд. Масалан, оғирлиги 250 граммдан ошмайдиган, автоном бошқариш функцияси, навигациясига эга бўлмаган фото ва видео ускуналар билан жиҳозланмаган ускуналар ўйинчоқ моделга киритилади. Яхлит тизим сифатида дастурланиши мумкин бўлган ҳар қандай қурилма, ҳаттоки у ўйинчоқ кўринишда бўлса ҳам учувчисиз учадиган аппарат, деб баҳоланади. Табиийки, бу жиҳатлар Парвозлар хавфсизлиги агентлиги томонидан экспертиза ўтказиш орқали аниқланади.

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Ривожланган давлатларда дронлардан фойдаланиш бўйича қонунчиликда тўғридан-тўғри тақиқ йўқ. Дронлар билан боғлиқ ҳар хил ҳолатлар юз бериши мумкин. Шу сабабли мамлакат, минтақа хавфсизлигини сақлаш, авиация хавф-

сизлиги нуқтаи назаридан лойиҳа муҳим, деб ўйлайман.

Лекин бир қанча саволлар юзга келади. Биринчиси, юқорида таъкидланган туризм салоҳиятига таъсири бўлса, иккинчи томони болалар учун ташкил этилган авиасозлар тўғрақлари бор. Ундан ташқари, болалар мустақил равишда конструкторлик билан шуғулланади. Улар учувчисиз учадиган аппаратларни ясаши мумкин. Тақиқлаш эса уларнинг робототехника, конструкторлик каби йўналишлардаги қизиқишларини сўндириб қўяди. Чекловлар айрим пайтларда бу соҳадан ортада қолишга, тўхтаб қолишга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Чеклаш ягона ечим эмас, менимча.

Айрим ҳолларда эса масофадан туриб бошқариладиган ва дастурланадиган қурилмаларнинг оғирлиги 250 граммдан кам ёки аксинча ўйинчоқлар ушбу вазндан юқори оғирликда бўлиши мумкин. Аниқлаштирувчи масалаларни ўйлаб кўриш ва тушунарли тилда қонунчиликда белгиланиши керак, деб ўйлайман.


Бу масала бўйича қонунчилик ташаббускорлари вазн асосий мезон эмаслиги, бошқа жиҳатлар ҳам ҳисобга олиншини таъкидлашди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари таклифларни ўрганиб, хулоса бериш, янада такомиллаштириш шарти билан қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлашди.

Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши Ахборот хизмати.

ТОШКЕНТ САММИТИ ДУНЁ НИГОҲИДА

КЕЙИНГИ ВАҚТЛАРДА ХАЛҚАРО МАЙДОНДА БЎЛАЁТГАН ВОҚЕАЛАР МУВОЗАНАТЛАР ЎЗГАРАЁТГАНИ, БУНДА ҲАР БИР АКТОР ЎЗ АМБИЦИЯЛАРИНИ ҚАТТИҚРОҚ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА КИРИШАЁТГАНИНИ АНГЛАШ МУМКИН. ХУСУСАН, 8 - 9 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САММИТИДА ОДАТДА БИЗ ҲАР ДОИМ ҲАМ УЧРАТМАЙДИГАН ҲОЛАТ, ЯЪНИ ТУРКИЯ ВА ЭРОН РАҲБАРЛАРИНИНГ БИР ДАВРАДА ЎТИРГАНИГА ГУВОҲ БЎЛДИК. БИЛАМИЗКИ, ТУРКИЯ ҲАМ, ЭРОН ҲАМ НАФАҚАТ МИНТАҚАДА, БАЛКИ БУТУН МУСУЛМОН ОЛАМИДА ЕТАКЧИЛИККА ИНТИЛАДИГАН ДАВЛАТЛАР ҲИСОБЛАНАДИ. ШУ БОИСДАН УЛАРНИНГ БИР ТАШКИЛОТ ДОИРАСИДА БИР ДАВРАДА ТЎПЛАНИШИ КЎПЧИЛИКНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛДИ.



Афғонистон вакилларининг иштирок этиши долзарб вазифаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнаши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари ҳам келтирилган. Масалан, иқтисодий таҳлилчи Мир Шекиб Мирнинг фикрича, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг йиллик саммити муаммолар ва имкониятларни, шунингдек, ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида минтақавий савдони ривожлантириши мумкин бўлган сиёсий қарорлар қабул қилиш мақсадида ўтказилади.



ХУЛОСА

САММИТ ДУНЁ НИГОҲИДА ҲАМ, УНДА ҚАТНАШГАН ИШТИРОКЧИЛАР НИГОҲИДА ҲАМ ЖУДА ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ. УНДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР, ТАКЛИФЛАР АСОСАН МИНТАҚА ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛДИ. КЎПЧИЛЛИК ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, БУГУН ХАЛҚАРО МАЙДОНДА МУВОЗАНАТЛАР АЛМАШИНУВИ БОШЛАНМОҚДА. ХАЛҚАРО ҲАЁТНИНГ ҚИЁФАСИ, ХАРАКТЕРИ ЎЗГАРАЁТГАН БУНДАЙ ПАЛЛАДА ЭСА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ДОИРАСИДА МАНФААТЛАР УМУМИЙЛИГИ АСОСИДА ЯҚДИЛЛИККА ЭРИШИШ, БИР ҲАМ ОСТИДА БИРЛАШИШ МУҲИМ. АЙНАН ШУ ЖИҲАТ ЎРНАТИЛАДИГАН ЯНГИ МУВОЗАНАТДА МИНТАҚАНИНГ РОЛИНИ БЕЛГИЛАБ ҲАМ БЕРАДИ. ШУНИ САБАБДАН ҲАМ БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАММА БИЛАН ДЎСТОНА МУЛОҚОТГА ТАЙЁР. БУ ВОҚЕАЛАРГА РЕАЛ БАҲО БЕРИШИМИЗ, ЭРТАНГИ КУННИ ҲИС ҚИЛИШИМИЗДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

Кутилганидек, саммит дунёнинг кўплаб оммавий ахборот воситаларида ёритилди. Жумладан: **Arnews** нашрида, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг – ярим миллиард аҳоли истиқомат қиладиган бепоён минтақамиз савдо-иқтисодий, санонат, сармоявий, инновациялар ва транспорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга эканлиги ҳақидаги фикри келтирилган.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Каспий денгизи минтақаси бўйлаб савдо йўллари ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, гуруҳ иштирокчилари "мувофиқлаштирилган ҳолда ишлашда давом этишлари ва коридорнинг функционаллигини яхшилашлари керак, бу барчамиз учун фойдалидир".

TOLOnews нашрида эса Шавкат Мирзиёевнинг сўнги бир неча йил ичида имтиёзли савдо шартномасини имзолаш бўйича уринишлар кутилган натижани бермагани, бизнесни шакллантириш йўлида ҳали кўп чеклов ва қийинчиликлар мавжудлиги, бу ҳолатни ўрганиб, ижобий томонга ўзгартириш, янги нақша назардан муҳим қадамлар ташлаш лозимлиги ва Афғонистон ҳалқига инсонпарварлик ёрдами ҳажмини ошириш каби фикрлари ёритилган.

Қолаверса, нашрда бир қатор иқтисодий таҳлилчиларнинг Афғонистоннинг халқро конференцияларда, хусусан, ИХТ саммитида иштирок этиши учун биринчи навбатда Афғонистон ҳукуматининг дунё томонидан тан олиниши зарурлиги, халқро анжуманларда Афғонистон вакилларининг иштирок этиши долзарб вазифаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнаши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари ҳам келтирилган. Масалан, иқтисодий таҳлилчи Мир Шекиб Мирнинг фикрича, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг йиллик саммити муаммолар ва имкониятларни, шунингдек, ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида минтақавий савдони ривожлантириши мумкин бўлган сиёсий қарорлар қабул қилиш мақсадида ўтказилади.

Astanatimes нашрида Қозоғистон Бош вазири Алихан Смаилов Тошкентда бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти 16-саммитида маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва транспорт-логистика тизимлари интеграциясини чуқурлаштиришга чақиргани айтилмоқда.

Нашр Қозоғистон Каспий денгизидagi денгиз портлари салоҳиятини кучайтираётгани, Актау портида контейнер ҳаб ва Курик портида Саржа кўп тармоқли терминали қуришни, 2030 йилга бориб юк ташиш ҳажмини йилига 500 минг контейнерга етказиш учун Марказий Осиё мамлакатлари учун Хитойдаги назорат-ўтказиш пунктларида алоҳида йўлақлар қуришни режалаштираётганини келтириб ўтган.

Смаилов Қозоғистон – Ўзбекистон чегарасида жойлашган Марказий Осиё халқро саноат ҳамкорлиги марказини замонавий трансчегаравий савдо ва логистика инфратузилмасини ривожлантирувчи марказ, деб атаган.



Uzbekistan hosts summit of regional economic alliance



Tashkent ECO Summit: Together towards economic stability and development



жланаётган мамлакатлар янги дунё тартибини шакллантиришда кўпроқ роль ўйнашга қодир. Бу масалада мамлакатлар ўртасидаги минтақавий ва кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик ёрдам бериши мумкин. Бу борада, шубҳасиз, минтақамиздаги ИХТ ва унинг ҳамкорлик механизми инкор этиб бўлмайдиган имкониятларга эга ва бу имкониятлардан фойдаланиш учун қўшимча куч сарфлаш заруратдир.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедов: – Туркманистон ҳозирги мавжуд ва келажақда қуриладиган қувватлар ҳисобидан ИХТ мамлакатларига табиий газ ва электр энергияси етказиб бериш ҳажмини оширишга тайёр.

"Глобал энергетика бозорлари умуман беқарор ҳолатда экани ИХТ ҳамкорлигининг самарали моделини ишлаб чиқишнинг асосий вазифаларидан биридир", – деган Бердимухамедов.

У Туркманистон бир қатор йirik энергетика лойиҳаларини илгари сурганини, уларда ИХТнинг айрим давлатлари ҳам иштирок этганини таъкидлаган. Туркманистон раҳбари ИХТ маконини ўз ичига олган энергия таъминоти тизимини яратиш мақсадида ҳамкор мамлакатларни энергетика соҳасида қўшма ҳамкорликни кенгайтиришга таклиф қилган.

Arabnews нашрида Покистон Бош вазири Анвар ул-Ҳақ Какарнинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг саммитида минтақавий интеграцияга урғу бергани, минтақавий форум ўзининг улкан салоҳиятига қарамай, умумий глобал савдога бор-йўғи икки фоиз ҳисса қўшаётгани ҳақидаги фикрлари келтириб ўтилган.

Покистон етакчиси ИХТ минтақаси табиий ресурслар, географик яқинлик, ташаббускор одамлар ва маданий меросга бой бўлиб, бу ҳар бир соҳада савдо-иқтисодий интеграцияни кенгайтириш учун асос бўла олади. Шундай бўлса-да, улкан салоҳиятимиз ва чексиз ресурсларимизга қарамай, биз жаҳон савдосида бор-йўғи икки фоиз ва минтақалараро савдода саккиз фоиз улушга эгамиз, деган.

Washingtonpost нашрида эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларимиздан ўтувчи трансконтинентал транспорт йўлақлари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш бизни Осиё-Тинч океани минтақаси, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европадаги йirik бозорлар билан боғлайди, деган фикри келтирилган.

Newscentralasia нашрида бир қатор давлат раҳбарларининг саммитдаги нутқи келтирилган.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон: – Таҳлилларга кўра, жаҳон иқтисодиётидаги инқирозларга қарамай, жорий йил охирига қадар ИХТнинг аксарият мамлакатларида ЯИМнинг ўртача ўсиши 5 фоиздан ошади. Ушбу ижобий тенденцияларга қарамай, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлик салоҳиятининг салмоқли қисми ҳалигача фойдаланилмаганлигича қолмоқда.

Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаров: – Иқтисодий ўсишнинг ҳайдовчиси минтақавий транзит, транспорт ва логистика салоҳиятини ривожлантиришдир. Минтақамиз шимол ва жануб, ғарб ва шарқ ўртасида кўприк вазифасини ўташи мумкин. Денгиз портларига чиқиш имкониятини яратиш учун минтақамизда транспорт-логистика йўлақлари ва мултимодал юк ташишни ривожлантириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Эрон Ислам Республикаси Президенти Иброҳим Раисий: –Халқро тизимлар ҳозирги даврда ҳар қачонгига қараганда ўзгаришларга кўпроқ ду-чор бўлмоқда. Ривожланаётган иқтисодлар ва ривожланаётган мамлакатлар янги дунё тартибини шакллантиришда кўпроқ роль ўйнашга қодир.

O'Z XDP POZITSIYASI

ИМТИЁЗ БОР,
ИМКОНИАТ КАМ

УЙ-ЖОЙ ИНСОННИНГ ЭНГ МУХИМ ЭХТИЁЖЛАРИ ҚАТОРИДА ЮҚОРИ ЎРИНЛАРДА ТУРАДИ. УЙ НАФАҚАТ БИР КИШИНИНГ, БАЛКИ БИТТА ОИЛАНИНГ ХОТИРЖАМЛИГИ, БОЛАЛАРНИНГ УНИБ-ЎСИШИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ДЕГАНИ.

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛМОҚДА. ОҒИР ИЖТИМОИЙ ВАЗИЯТГА ТУШИБ ҚОЛГАН АЁЛЛАР, ОНАЛАРНИ ЭНГ ҚУЛАЙ ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТИЗИМ ЯРАТИЛДИ, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН, ЙИЛЛАР ДАВОМИДА УЙ-ЖОЙСИЗ ҚОЛИБ КЕТГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ВАТАНЛИ БЎЛМОҚДА, ДОИМИЙ ДАРОМАДГА ЭГА ЭХТИЁЖМАНД ФУҚАРОЛАРГА ИПОТЕКА ҲИСОБИГА УЙ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ ҲАМ АЖРАТИЛМОҚДА.

Яқинда Президентимизнинг янги ҳужжати – “2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, унга асосан муҳим янгиликлар, енгилликлар жорий этилиши белгиланди. Хусусан, ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш ҳақидаги фармонга мувофиқ, ипотека кредитлари ва субсидияларни ажратиш тартибига ўзгаришлар киритилди.

Жисмоний шахсларга ипотека кредити беришнинг замонавий ва барқарор тизимини шакллантириш, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни жалб қилиш, кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш бўйича муҳим вазифалар назарда тутилган.

Жорий йил 1 майдан кучга кирган яна бир янгиликка кўра, уй-жой сотиб олиш истагини билдирган, бироқ расмий даромад манбаига эга бўлмаган миқдорларнинг тўлов қобилиятини баҳолашда уларнинг банк карталаридаги пул айланмалари, ижара ва коммунал хизматлар учун тўловлар ҳамда бошқа харажатлар инобатга олинмайдиган бўлди.

Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож, кам даромадли фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун ипотека кредитларига давлат бюджетидан субсидиялар ажратилмоқда. Субсидиялар ипотека кредити бўйича дастлабки тўлов ёки фойзаларнинг бир қисмини қоплаш учун берилади.

Ишлайдиган, даромади барқарор, лекин уй-жойга бирданига тўлов қилишга имконияти йўқ юртдошларимиз учун субсидия айна мудоа бўлмоқда. Қанчадан-қанча юртдошларимиз имкониятдан, фойдаланиб, уй-жойли, ватанли бўлмоқда.

УЙ-ЖОЙ УЧУН СУБСИДИЯ
НИМА?

Бу давлат бюджетидан бериладиган молиявий кўмак ҳисобланади.

Субсидия олиш учун фуқаро доимий иш жойига эга бўлган, яъни давлат ишими, хусусий секторда ишлайдими, фарқи йўқ. Энг муҳими, олинмайдиган ипотека кредитини ойлик тўловларини тўлаш қобилиятига эга бўлиши керак. Бунда бошланғич бадални тўлаш учун 32 миллион, кейинчалик фойзалар биринчи беш йил давомида 10 пунктдан ошган қисмига тўлаб берилади.

Фуқаролар субсидия олиш учун mu.gov.uz портали орқали электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин. Ариза ижобий кўриб чиқилгандан сўнг, аризада қурилиш (пудратчи) ташкилоти билан ипотека кредитидан фойдаланган ҳолда уй-жой сотиб олиш тўғрисида шартнома тузади.

Ипотека кредити расмийлаштириш жараёнида бошланғич бадал тўлаш учун фуқарога банкда ҳисоб-рақам очилади. Ана шу ҳисоб-рақамига фуқаро уй-жойнинг ўзига тегишли қисмининг бадал суммасини тўлдирди ва Молия вазирлиги томонидан давлат бюджетини ҳисобидан 32 миллион ўша ҳисоб-рақамига ўтказилади. Кейин унга ипотека кредити ажратилади. Кредит берилгандан сўнг қолган 60 ой давомида ҳар ой субсидия фуқаро ипотека кредитининг фойзаларини амалга ошириш учун унга очилган ҳисоб-рақамига ўтказилади. Фуқаро берилаётган субсидияни бошқа ҳеч қандай мақсадга ишлата олмайди.

ИПОТЕКА БОЗОРИДАГИ
БУГУНГИ ВАЗИЯТ

2022 йилда яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ёки сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан 37,6 мингта оилага 8,2 триллион сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилган, даромади юқори бўлмаган 16,7 мингта оилага 767,4 миллиард сўм миқдорда субсидия берилган.

2023 йилда ипотека субсидиялари учун 1,6 трлн сўм ажратилиши режалаштирилган эди. Жорий йилда жами ажратилмайдиган суб-

сидиялар 30 000 тани ташкил этиши кутилмоқда. Шу йилнинг май-сентябрь ойларида субсидия бўйича 29 минг нафардан ортиқ фуқарога ижобий хулоса тақдим этилган. Ҳозиргача жами 10 минг 537 нафар фуқарога 337 миллиард сўмлик субсидия маблағи тўлаб берилган.

2024 йилда ҳам бу йўналишга алоҳида эътибор бериш кўзда тутилган. Яъни, келгуси йилда аҳоли томонидан уй-жойлар сотиб олишга 1,5 трлн сўм субсидиялар ажратилиши белгиланмоқда.

ИМТИЁЗ БОР, МУАММО ҲАМ...

Албатта, ислохотлар ҳақида узоқ гапириш мумкин, уларнинг самараси хусусида ҳам кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин. Бугун шароит, имконият катта. Имтиёзлар кўлами кенг. Ишлайман, уй-жой қиламан, яхши яшайман, турмушим обод бўлади, деган киши учун барча қулайликлар бор. Ҳаммамиз буни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз, аτροφимиздагилар, кўни-кўшнимиз ёки қариндошимиз, таниган, билганларимиз мисолида ҳам гувоҳи бўлялмиз.

Кечагина уй-жой қайғусида ўйланиб юрган кадрдонимиз, дўстимиз ёки танишимиз бугун шинамгина, обод ва озода бўлган ўз уйига меҳмонга чақиряпти. Неча йиллар давомида ижарама-ижара юриб қийналган юртдошимиз имтиёз орқали энди ўз уйига, маконига эга бўлди. Лекин тизимда ечимини кутаётган муаммолардан ҳам кўз юма олмаймиз.

Депутатларимизнинг айтишича, сайловчилар билан учрашувларда уй-жой масаласида кўп мурожаатлар бўлади. Айниқса, кам даромадли, кўп болали оилалар бу масалада қийинчиликларга дуч келмоқда. Имтиёзлар бор, хусусан, субсидия асосида уй олиш мумкин. Аммо аксарият қурилиш ташкилоти уй-жойларни субсидияга сотишни хоҳламайди. Ёки субсидияга бериладиган уйларнинг нархи жуда қimmat баҳоланмоқда.

Маълумотларга кўра, жорий йилда субсидия олиш бўйича 29 минг нафардан ортиқ фуқарога ижобий хулоса тақдим этилган. Ҳозиргача 10 минг нафардан кўпроқ фуқарога 337 миллиард сўмлик субсидия маблағи тўлаб берилган. 20 мингга яқин фуқаронинг кўлида субсидияга рухсат бор, лекин уй тополмаган. Яъни, шунча одам субсидиядан фойдалана олмаётган. Уй топилиб, пул тўланмагунча, фуқарони субсидия олди, дея оламизми?

Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида ҳам айнан ушбу масалаларда муаммолар борлиги аён бўляпти. Масала бевосита электоратимиз манфаатлари билан боғлиқ бўлгани учун Халқ демократик партияси фаоллари ва депутатлари жойларда назорат-таҳлил ишларини олиб боришди.

Боймурод ЮСУПОВ,

Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– Ҳозирги кунда субсидияга ажратилган маблағларни тезроқ ишлатиш учун субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати 12 ойдан 4 ойга туширилди. Давлат бюджетидан субсидия ажратиш учун кўзда тутилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва ўзлаштириш кўрсаткичларини яхшилаш учун бу муҳим аҳамиятга эга бўлди. Негаки, фуқаролар томонидан субсидияга ариза топширилганда кўп ҳолларда уй ҳали битмаган бўлар эди ёки пудрат ташкилоти билан бир келишувга келинмасди. Натижада субсидиянинг муддати ўтиб кетар эди. Бу чекланган ресурс ҳисобига, бошқа уй-жойи битган, шартнома қилган фуқароларнинг субсидия олиш имкониятини чеклаб қўяётган эди.

Ҳозир вазият бошқача. Тўғри, субсидия хабарномасини олган фуқаронинг пудратчи билан тузган шартнома муддати кечикса, субсидия хабарномаси 4 ойда қуяди. Муҳим янгилик шундаки, фуқаролар бир неча бор ариза топшириш имконига эга бўлади. Бу чекланмаган миқдорга ўзгаририлди. Содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, бундан кейин фуқароларнинг хабарномаси куйиб кетадиган бўлса, қайтадан хабарномани кўлга киритиш имконияти мавжуд.

Ушбу масала бевосита партияимиз электорати манфаатига алоқадор бўлгани учун биз бу борада ўрганиш олиб бордик. Назорат-таҳлил давомида субсидия олиш масаласида ҳамма жойда муаммо борлиги ойдинлашди. Тўғри, бирламчи бозордан субсидияга

сотилиши кўрсатилган уйлар бор. Лекин атиги тўрт ёки бешта пудратчи қурилиш ташкилоти ўз уйларини субсидияга ҳам сотишга рози бўлмоқда. Квартиралар сони эса жуда чекланган. Яна бир масала, қурувчи компаниялар субсидияга эга фуқаролар учун шартнома тузмасликка уринаётган ҳоллар ҳам учраб турибди.

Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Масаланинг яна бир муҳим жиҳати эътибор қаратсак, бугунги кунда ҳар бир квадрат метр учун энг арзон уй Қорақалпоғистонда (390 доллар), энг қиммати эса Тошкент шаҳрида (1251 доллар) қайд этилган.

Тошкент шаҳри бўйича уй-жой нархлари янги уйлар учун ўртача 1374 долларни ва иккиламчи бозордаги уйлар учун ўртача 1143 долларни ташкил этади. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг июнь ойида янги уйлар учун 953 долларни, иккиламчи бозордаги уйлар учун 861 долларни ташкил этганди. Бир йил ичида янги уйларнинг нархи ўртача 40 фоиздан кўпроқ, иккиламчи бозордаги уйлар нархи эса ўртача 33 фоиздан кўпроқ қимматлашган.

Энди ўйлаб қарайлик, уй-жойга муҳтож фуқаро бир амаллаб субсидия олди ҳам дейлик, кейин иккинчи босқич бошланади, яъни ажратилган субсидияга мос уй топиш машаққати. Чунки, Тошкент шаҳрида субсидия ҳисобига олинмайдиган квартиранинг нархи 416 миллион сўмдан ошмаслиги белгиланган бўлган. Лекин шу ва ундан паст нархга пойтахтдан янги уй топишнинг қийинчилиги катта. Бу муаммо бошқа ҳудудларда ҳам кузатилади.

Аброр ҚУРБОНОВ,
Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– Назорат-таҳлил давомида ўрганилган ушбу масала юзасидан партия фаоллари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳи ўз тақлифларини тайёрлади.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Қурилиш ташкилотларига имконият берилди, албатта, унинг натижаси бўлиши керак.

Биз шундай хулосага келялмишмики, бу масалани парламентда, партияимиз фракциясида фармон ижросига масъул вазирлик ва ташкилотлар билан бирга, муаммоларни ўртага қўйиб, ечим топишимиз керак. Чунки, фуқароларда ҳукумат сиёсатига ишончсизлик пайдо бўлмаслиги лозим. Ҳозирги кўтарилаётган муаммолар фуқароларда ишончсизлик кайфиятини пайдо қилиши мумкин. Сабаби, субсидия хабарномасини олган фуқаро нархларнинг сунъий оширилиши ёки бўлмаса бошқа маълум сабаблар билан субсидияга уй тополмаяпти. Ижрода юзага келаётган муаммолар учун фуқаролар жабр кўрмаслигини таъминлаш зарур. Бу масалани мутасадди вазирлик-идоралар билан бирга муҳокама қилиб, меъёрий ҳужжатларга муаммони ҳал этишга хизмат қиладиган аниқ ўзгаришлар киритиш бўйича тақлифлар тайёрлашимиз талаб этилади.

Биринчи тақлифимиз шуки, уй-жой қурувчи қурилиш компанияларига маълум миқдордаги хонадонларни субсидияга эга фуқароларга сотиш ижтимоий мажбуриятини юклар, бу борада маълумотлар очиқлиги ва шаффофлигини ошириш керак.

Кейинги тақлифимиз қурилганига 5 йилдан ошмаган иккиламчи бозордаги уйларни ҳам субсидия асосида харид қилиш имкониятини яратиш, бу борада меъёрий ҳужжатларга зарур ўзгариш ва қўшимчаларни киритиш лозим. Албатта, бунда субсидия маблағлари мақсадли ишлатилиши масаласини қатъий белгилаб қўйиш зарур бўлади. Бу субсидия олишга рухсатномаси бўла туриб, уй тополмаётган фуқароларга реал имконият яратиш бериш учун муҳим.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

2023 йил 8 ноябрдаги QS ХАЛҚАРО АГЕНТЛИГИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА QS WORLD UNIVERSITY RANKINGS: ASIA 2024 РЕЙТИНГИ НАТИЖАЛАРИ РАСМАН ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. УШБУ РЕЙТИНГДА ҚАТНАШИШ УЧУН ОСИЁ МИНТАҚАСИДАН БИР ҚАТОР УНИВЕРСИТЕТЛАР ҲУЖЖАТ ТАҚДИМ ЭТИШГАН. 25 ТА ДАВЛАТДАН 856 ТА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ УШБУ РЕЙТИНГДА ЎРИН ЭГАЛЛАШГА МУВАФФАҚ БЎЛИШДИ.

Миллий
университет
ЭНГ
кучлилар
қаторида

Рейтингда Ўзбекистон Миллий университети ўтган йилги натижа (351-400-ўринлар)га нисбатан 50 поғона юқорилаб, 301-350-ўринларни қайд этди. Хусусан, “Хорижий ўқитувчилар улуши” бўйича Осие университетлар ичида 90-ўринда, “Халқаро академик обрў” кўрсаткичи бўйича 135-ўрин, “Иш берувчилар обрўси” бўйича 251+ ва “Халқаро илмий ҳамкорлик”, “Иқтисодлик улуши”, “Хорижий талабалар улуши” ва “Талабаларнинг академик алминисти” бўйича 301+ ўринларни қайд этди, – дейди ЎЗМУ халқаро алоқалар бўйича проректори Раима Ширинова.

Asia 2024 рейтингидан 2022 йилда Ўзбекистон ОТМларидан 8 та университет қатнашган бўлса, бу йил яна 6 та университет ушбу рейтингда биринчи мартаба иштирок этди. Рейтинг натижаларига кўра, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети (249-ўрин), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети (301-350 ўрин), Тошкент давлат иқтисодиёт университети (401-450 ўрин) ТОП 500 университетлар қаторидан жой эгаллашди.

QS рейтинг агентлигининг тадқиқотлар бўлими директори Бен Саутер Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг Asia 2024 рейтингидан натижаси ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди: “Ўзбекистон университетлари халқаро академик муҳитда ўз принципларини ишлаб чиқишда давом этмоқда, бу эса репутация кўрсаткичлари ва таълим муҳитининг сифат кўрсаткичлари бўйича динамика натижаларга олиб келади. Бундан ташқари, университетлар тадқиқот инфратузилмасига ресурсларни сармоа қилиш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, айниқса, илғор даражага эга профессор-ўқитувчилар тайёрлашни ўрганишлари мумкин”.

ЎЗМУ Ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.

“Биз бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз”

ҲАМЖИҲАТЛИК МАМЛАКАТНИ ОБОД ҚИЛАДИ

Маънавият бизга тирикликнинг мазмун ва мақсадини тунтирадиган, хатти-ҳаракатларимизни гўзал ахлоқ билан бойитиб, ўзимиздан ҳам буюкроқ туйғу билан боғлайдиган ботиний куч десак, муболага бўлмайди. Маънан етук, ҳушёр инсонгина миллатнинг бугуни ва эртаси ҳақида фикр юртади, қайғуради, тафаккур қилади. Келажақ авлоднинг янада бахтли, омадли ҳаёт кечириши, яхши билим олишига ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Ҳозирги глобаллашув даврида оммавий маданият ниқоби остида кириб келаётган турли одат ва ёт ғоялар нафақат ёшлар, балки катталар онгини ҳам заҳарламоқда. Бунга асосий сабаб кишилар онгида маънавий бўшлиқ мавжудлиги ҳамда ижтимоий бирдамликнинг етишмаслигидир.

Ҳеч кимга сир эмас, дунёдаги геосиёсий вазият тобора чигаллашиб борапти. Виртуал оламда маданиятсизлик, ахлоқсизлик каби иллатлар мунтазам тарғиб қилинмоқда. Бу эғунчи ғоялар ва маънавий таҳдидлар кучайиб, кўпгина ахборот воситалари ғаразли ниятларни тарғиб ва ташвиқ этмоқдалар. Бу эса, ўз навбатида, давлатлар ва миллатларнинг хавфсизлигига, инсонларнинг онгу тафаккурига, дунёқарошига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Мана шундай мураккаб шароитда жонажон юртимизда тинчлик ва хотиржамликни сақлаш учун биринчи навбатда Ўзбекистон халқининг маънавий бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги янада муҳим аҳамият касб этади.

ҲУШЁРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Донишманддан сўрашбди:

-Йигит йигитдан нимаси билан фарқ қилади?

-Ҳушёрлиги билан, - дея жавоб берибди донишманд.

Ҳақиқатан ҳам, ҳушёрлик, сергаклик одамзотга хос бўлган фазилатлардандир. Шунинг баробарида, маънавий таназзулнинг бош омили сифатида айни пайтда дунёнинг айрим бурчакларида амалга оширилаётган хунрезлик, низо-нифоқларга нисбатан жўяли фикр билдириш, ўз муносабатини акс эттириш маънавий сергакликни, янаям тўлиқроқ ифодаласек, ижтимоий-маънавий бирдамлик, бир ёқадан бош чиқаришдек шарқона донишмандликни талаб этади. Демак, бу ишларнинг бошида ҳушёрлик билан бир қаторда, жамиятнинг ҳам маънан бирлашиши – ижтимоий яқдиллиги турибди.

Маълумки, ҳозирда мамлакатимиз бўйлаб эзгу ташаббускор – “Биз бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз” ғояси остида “Маънавият марафони” қизғин давом этмоқда. Унда пешқадам зиёлилар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, фидойи маърифат тарғиботчилари, маданият ва санъат вакиллари халқ орасида бўлишиб, улар билан самимий суҳбатлар қуришмоқда,

ўз фикрлари билан ўртоқлашмоқда. Жумладан, яқинда пойтахтимизнинг Адиллар хиёбонида “Маънавият марафони”га бағишланган матбуот брифингида Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳожиддин Ҳожиматов бундай маънавий тадбирларда ҳар биримизнинг муносиб ҳиссамиз бўлиши, шахсий масъулиятимиз, гўзал одоб-ахлоқимиз билан намуна бўлишимиз зарурлигини бот-бот таъкидлади.

Шарқона қадриятларга алоҳида эътибор қаратиш, бунда оила тарбияси муҳим ўрин тутиши хусусида маърифат тарғиботчилар гуруҳининг фаоли, мохир модератор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жамила Шермухамедова атрофида фикр юритди. Тажрибали педагог, профессор Муҳаммаджон Қуранов эса ўз чиқишида юқоридаги ғоянинг мазмун-моҳияти ва уни халқ орасида ёйишда маърифатчиларнинг ўзлари бу сўз замиридаги эзгу фикрларни қалбидан ўтказиши кераклиги ҳақида тўхталди.

Ушбу маърифатпарвар юртдошларимнинг хурфикрларини эшитарканман, ўзим учун хулосага келдим. Демак, ҳар биримиз ўз ўрнимиз, мақомимиз, ваколатимиз, эгаллаб турган лавозимимиз даражасида қўлдан келгунча маънавий етуқлик борасида жон куйдиришимиз лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Иқтисодиёт ва молия вазирлигида ҳам маънавий-маърифий йўналишда тадбирлар давом этмоқда. Жумладан, яқинда ходимларнинг китобхонлик маданиятини ошириш, улар орасида китоб мутолаасига меҳр уйғотишга қаратилган навбатдаги “Китоб савдолари” ярмаркаси ташкил этилди. Унда ходимлар ўзига ёққан, севиб ўқийдиган асарлар билан танишдилар, оиласига, жамоасига қимматли билим манбаи бўлган китоблардан совға қилишди.

Шу билан бирга ходимларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлишига эътиборни кучайтириш мақсадида “Спорт – соғлиқ гарови” шiori остида спорт мусобақалари ўтказилди. Айниқса, арқон тортиш, футбол,

стол тенниси ва югуриш бўйича ўзаро беллашувлар қизгин тус олди. Шунингдек, “Касбим – фахрим” мавзусига бағишланган тадбирда ёшларни ўз касбига садоқатли бўлиш ва танлаган соҳасини севишга чақириб, меҳнат қилган инсон ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслиги устоз ва мураббийлар томонидан таъкидланди.

“Хушмуомалалик – инсон зийнати” мавзусида қилинган маърузада гўзал одоб, хушмуомалалик, устоз-шогирд аънавалари ҳақида видеоларча намойиш этилди ва у барчага манзур бўлди. Шунингдек, “Маънавият марафони” доирасидаги маънавий-маърифий тадбирлар вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотларида қизгин давом этмоқда.

ГЎЗАЛ ОДОБ – ПОКИЗА ҚАЛБ ИФОДАСИ

Сўрадилар: Амалларнинг қай бири афзалроқ?

Жавоб берилди: Чиройли хулқ.

Инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, аҳил ва иноқликнинг зиёда бўлиши, аввало, гўзал ахлоққа бориб тақалади. Чунки инсон илмга қанча муҳтож бўлса, гўзал хулққа ҳам шунча муҳтож. Зеро, илм ва гўзал хулқ инсонни камолотга етказувчи икки қанотдир.

Айнан гўзал одоб, ибратли ахлоққа асосланган тарбиягина инсонни инсон даражасига кўтарди, уни зийнатлайди, комиллик сари элтади. Зеро, умр инсоннинг ҳар кунги маънан юксалишидир.

Шу ўринда мутафаккир бобомиз Абу Мусо ал-Хоразмийнинг инсонни инсон даражасида ушлаб турувчи олий ва мангу қадрият ҳақидаги фикрлари аҳамиятлидир. У зотнинг фикрича, агар инсон гўзал ахлоқ эгаси бўлса, у бирга тенгдир, яъни ахлоқли инсон = 1. Бунинг устига у хушсурат бўлса, бирнинг ёнига ноль рақами қўшилади ва натижа 10 ни ҳосил қилади. Боз устига у бадавлат бўлса, ҳосил бўлган сонга яна битта ноль қўшилади, яъни 100. Агар унинг наслу насаби тоза ҳам бўлса, ушбу сонга яна бир

ноль қўшилади ва ҳосил бўлган натижа 1000 ни ташкил этади.

Бироқ ушбу сондан ахлоқни ифода этувчи бир (1) тушиб қолса, билингки, инсоннинг қиймати йўқолади.

Яхши муомала ва самимий муносабат қалбларга севиш бағишлайди. Эзгуликка тўла қалблар фақат яхшилик истайди. Китобларда айтилишича, ҳатто бир кишининг иккинчи бир киши қалбига севиш тақдими этиши гуноҳлари кечирилишига сабаб бўларкан. Бежиз, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз “Кимки бир кўнгли ғарибнинг хотирин шод айлағай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай”, демаганлар.

Зеро, меҳр-шафқат, самимий муносабат, яхши муомала аҳиллик, ўзаро тотувлик, дўстлик манбаидир. Ҳа, Абу Али ибн Сино бобомиз таъкидлаганларидек, “Инсон ҳар доим навқирон, бардам бўлиши учун бошқа одамларни ранжитмаслиги, дилини вайрон қилмаслиги ҳамда ўзи гўзал муомалали бўлмоғи лозим”.

Аслидаму шундай: меҳр-муҳаббат, ўзаро эҳтиром, ҳалол луқма, етим ва муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, ота-она, кексаларни қадрлаш, устоз, раҳбарларни ҳурмат қилиш миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир.

Орамизда ана шундай фидойи, ўз касбининг жонқуяри, юриш-туриши ибратли бўлган кўплаб ҳамкасбларимиз бор. Бундай гўзал ахлоқ соҳиблари кўркам хислатлар чашмаси ҳисобланиб, уларнинг қалбига ҳаммиша меҳр ва ибрат булоғи қайнаб туради.

Шундай экан, иш жараёнида, ўзаро муносабатларда чиройли хулқларимизни тўла намоеън этиш, арзимас гина-қудрат ўтган бўлса, бир-биримизни унуттиш, кечиримли бўлиш лозим экан. Шунда ҳаётимиз янада файзли, турмушимиз фаровон бўлади, мамлакатимиз ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан гуллаб-яшнайд.

Обиддин МАҲМУДОВ,
Иқтисодиёт ва молия вазирининг
маслаҳатчиси.

ИИВ: янги бино фойдаланишга топширилди

Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти учун Тошкент вилоятининг Зангиота туманида замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тантанали очилиш маросимида ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлаб, барча ходимларга муваффақиятлар тилади.

Мазкур бинода ходимлар учун кенг ва шинам хизмат хоналари, муҳташам маънавият ва маърифат зали ҳамда видеоселектор хонаси барпо этилган. Ходимлар спорт билан мунтазам шуғулланиб, жисмоний тайёргарликларини ошириб

боришлари учун ҳам имконият бор. Жумладан, ёзги ва қишки мавсумга мўлжалланган спорт майдонлари барча зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Вазирлик ва департамент раҳбарияти томонидан янги бинони барпо этишда яқиндан кўмак берган

қурувчи-усталарга эсдалик совғалар топширилди. Тадбирда эл севган санъаткорлар ижро этган дилрабо куй-қўшиқлар байрамона кайфият улашди.

Ўз мухбиримиз.



ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи ёнғин офатининг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Бироқ унинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ҳолатларнинг олдини олиш ва юзга келган ёнғинни даф этиш инсонларнинг қўлидан келадиган ишдир. Ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкilotлар, давлат муассасаларида, биноларда, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

Биноларнинг ертўла ва чордоқларда тез аланга олувчи моддалар – бензин, керосин, ацетон ва бошқа суюқликларни сақлаш мутлақо мумкин эмас. Улар сақланадиган жойда эса очиқ оловдан фойдаланиш, шам ёқиш ёки гўгурт чақиш қатъиян ман этилади. Чунки бундай эҳтиётсизликлар катта портлашларга сабаб бўлиши амалиётда кўп учратилган. Бундай катта офатлар нафақат шу ташкилот ва хонадон аҳли, балки кўни-қўшнилари ҳам хавфсизлигига таҳдид солади. Буларнинг олдини олиш учун эса ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш керак.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари шу масала бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Улар фуқароларимизга ёнғинларни келиб чиқишида кишиларнинг бепарволиги асосий омил бўлаётганлигини, лоқайдлик сабаб уй жойлар куйиб кулга айланаётганлигини мисоллар ёрдамида тушунтириб беришмоқда. Айниқса, ёш болаларни қаровсиз қолдириш ҳам аҳоли турар жойларида ёнғинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Табиийки, ёш бола ўз ишини тўла тасаввур эта олмайди, қолаверса, у ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳамиджон НАСИРОВ,
Президент Администрацияси қарашли
биноларда ЁХТТЭ бўлинимаси мутахассиси, катта сержант.

OBODLIK



30 дан ортиқ хонадонда

БИРИНЧИ МАРТА ЧИРОҚ ЁНДИ

“Вочах” қишлоғи Сароисё тумани марказидан 70 километр олисда жойлашган ҳудуд. Азим ва пурвиқор тоғлар бағрида 30 дан ортиқ хонадонда 120 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Чекка ва бориш қийин бўлган манзил шу пайтгача электр энергияси билан таъминланмаганди.

– Қишлоғимиз кўп йиллик тарихга эга, – дейди ҳудуддаги 46-умумий ўрта

таълим мактаби филиали ўқитувчиси Шухрат Абдуллаев. – Дастлаб икки-учта оила кўчиб келган бўлса, ҳозирги кунда 30 дан ортиқ хонадон бор. Одамлар яқин-яқингача мойчирокдан фойдаланиб келган. Кўмир чўғида ишлайдиган дазмол хотин-қизларга кўмакчи ҳисобланган бўлса, фарзандларимиз учун замонавий ахборот технологияларини ишлатиш армон бўлиб қолаётганди.

Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида азалий орзуларимиз ушалди.

“Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти ташаббуси билан тоғ ва қирларда 120 дона махсус темир устунлар қўйилиб, 18 километрдан ортиқ электр тармоғи тортилди. Махсус жойда 160 кВа қувватга эга янги трансформатор ўрнатилди. Қишлоқдошларимиз асрий орзуси амалга ошиб, хонадонлар нурафшон, кўнгиллар чароғон бўлганидан хурсанд.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ҚУТЛОВ

**ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ
ҲАМДА ОЛТИАРИҚ
ТУМАН ҲОКИМЛИГИ
ҲАМКОРЛИГИДА
АЛИШЕР ИБОДИНОВ
ТАВАЛЛУДИНИНГ 70
ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН ТАШКИЛ
ЭТИЛГАН ТАДБИРГА
ТАКЛИФНОМАНИ
ҚЎЛИМГА ОЛГАН,
ТАЛАБАЛИК ЙИЛЛАРИМ
ЁДИМГА ТУШДИ.**



МОҲИР МУҲАРРИР, МЕҲНАТКАШ ЁЗУВЧИ

Ўтган асрнинг саксонинчи йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетининг биринчи курсини тугатиб, амалиётга кетар вақтимизда талабалар турар жойида таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашув ўтказилди. Ана шу учрашувда биринчи марта Алишер Ибодинов, деган таланти ёзувчи яқинда бизни факультетимизнинг 5-курсини тугатганлиги ҳамда адабиётимизга аjoyиб ижодкор келиб қўшилганини эшитгандим.

Шу-шу, у кишининг “Ёшлик”, “Гулистон” журналларида босилган ҳикоя ва қиссаларини катта қизиқиш ва қониқиш билан ўқий бошладим. Кейин билсам, Алишер Ибодинов ҳарбий хизматни денгизда ўтаб “морьяк” бўлган экан. Бўш вақтлари кеманинг ичида ўтириб, ҳикоялар ёзиб, минг истиҳола билан Тошкентга, “Гулистон” журналига жўнатиб турган. Катта қалб эгаси, “Гулистон” журнали Бош муҳаррири Асқад Мухтор кунларнинг бирида олис ўлкадан юборилган конверт ичидаги “морьяк”нинг ҳикояларини ўқиб қолади. Ҳикоя маъқул келгач, тез орада журналда босилиб чиқади. Асқад Мухтор аскарга хат ёзиб, ҳарбий хизматни тугатгач, тахририятга келиб учрашишга таклиф этади. Алишер Ибодинов катта ижодга шундай кириб келган.

Тақдир тақозоси билан Алишер Ибодинов билан учрашдим. Ҳатто бир даргоҳда бирга ишладик. Алишер ака “Совет Ўзбекистони” – “Ўзбекистон овози” газетасининг Фарғона вилояти бўйича мухбири сифатида бир-биридан долзарб мақолалар ёзди. Тахририят йиғилишларида Алишер Ибодинов имзоси билан чиққан лавҳа, репортаж ва очерклар эътироф этилди. У киши би-

лан Тошкентда, Фарғонада кўп ҳамсуҳбат бўлдим. Оғир, вазмин, айна вақтда ҳазил-мутойибани жойига қўядиган дилкаш инсон экан.

Ўтган шанба кунни Олтиариқда фидойи журналист, истеъдодли ёзувчи Алишер Ибодинов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида тўлқинланиб гапиришди, унинг инсонийлик фазилатлари ҳам эътироф этилди. Алишер Ибодиновнинг ҳаёт йўли, ёзган асарлари ҳар қанча мақтовга лойиқ. Дарвоқе, унинг ўғли Улуғбек ҳам ота изидан бориб, бугунги кунда етуқ қаламкашлардан бири саналади.

Шу ўринда узоқ йиллар бирга ишлаган ҳамкасбларимизнинг Алишер Ибодинов ҳақидаги фикрларини келтирсак.

Ҳайдар НОСИРОВ,
фахрий журналист:

– Алишер – серқирра ижодкор. Қишлоқ хўжалиги, саноат, ҳуқуқий мавзуда эркин ёзади. Ёзувчилигини айтмай. Журналистлар ичида пешқадамлардан бири саналади. Топшириқларни тез илғаб олиб, кўнгилдагидек бажаради. Вилоят газетасида ҳам бош муҳаррир бўлиб ишлади. Изланди, ўрганди, меҳнати орқасидан элга танилди, обрў топди. Қисқа қилиб айтсам, Алишер Ибодинов моҳир муҳаррир, истеъдодли ёзувчидир.

Ахрор АҲМЕДОВ,
**Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист:**

– Алишер ака билан бир даврда “журфак”да ўқиганмиз. У киши катта ижодкор. Алишер ака “мор флот”да ҳарбий хизмат даврида ёзган ҳикояларини забардаст ёзувчимиз Асқад Мухтор “Гу-

листон” журналида чоп этган. Улуғ адибимиз Одил Ёқубов адабиётимизнинг навқирон вакили Алишер Ибодинов ҳақида жўшиб, қувониб мақола ёзганлигини ёши катталар яхши эслашади. Алишер аканинг 10 дан ортиқ китоблари “Шарқ”да босилди. Мен шундай инсон билан ҳамкасб бўлганимдан, у кишининг дилтортар суҳбатларини олганимдан фахрланаман. Алишер ака катта ёзувчи, содиқ дўст, дилкаш инсон.

Эркин ХЎЖАЕВ,
фахрий журналист:

– Алишерни интизомли, бағрикенг, Фарғонача лутфли инсон сифатида қадрлайман. “Совет Ўзбекистони”нинг вилоят мухбирлари ичида энг ёши Алишер Ибодинов эди. Унинг мақолалари равон тилда ёзиларди. Қалами ўткир, моҳир публицист тез орада ўз ўқувчиларини топди. Нуфузли тадбирларда унинг исми тез-тез тилга олина бошланди. Фарғонанинг Олтиариқ туманида яшовчи бағрикенг, саҳий, шинаванда, журналистика соҳасига катта ҳисса қўшган, ўзбек адабиётининг катта ижодкори қадрдон укамни қўтлуғ ёши билан табриклайман. Алишер бизнинг фахримиз, ғуруримиз. Ундан бир-биридан ўқимишли китоблар кутиб қоламиз. Умрингиз узоқ бўлсин, ижодингиз янада баракали бўлишини тилайман.

Алишер Ибодинов ёзган куйидаги сўзларни ўқийман: “Ҳаётимдаги қилолмаган ишларим, туғилмаган асарларим мени яшагача ундайди. Ўтган ҳаётимдан эса миннатдорман. У менга ҳамаша саҳийлик билан қаради”.

Яшанг, юз ёшларга киринг, Алишер ака!

Равшан ШОДИЕВ.

БИЛАСИЗМИ?



**ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ ДАВЛАТ
ҲИМОЯСИДАДИР**

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга. Давлат рамзлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат байроғи Ўзбекистон давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.


Давлат рамзларининг ҳимоясини таъминлаш мақсадида уларга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.



**НУТҚИДА, ЭШИТИШ ВА КЎРИШИДА
ОҒИР НУҚСОНЛАРИ БОР БОЛАЛАР
УЧУН БОҒЧА ПУЛИ ТЎЛАНМАЙДИ**

Қуйидаги касалликлар мавжуд болалар учун боғчаларда ота-оналар тўлови ундирилмайди:

- нутқидаги оғир нуқсонлар (ринолалия, дудклик, болалар афазияси);
- эшитишдаги оғир нуқсонлар (II – IV даражали нейросенсор эшитиш пастлиги ва карлик);
- кўришдаги оғир нуқсонлар (кўзи ожизлик (амовроз); туғма нуқсонлар (микрофтальм, микрокорнея, анофтальм, тўр парданинг ривожланишидаги туғма нуқсонлар; кўриш нервининг атрофияси, кўриш нерви диск ва макуласининг оғир даражадаги гипоплазияси, альбинизм, аниридия, кўриш ўткирлиги 0,4 гача); катаракта (марказий зонада тўлиқ ёки қисман хиралашиш, кўриш ўткирлиги 0,4 гача), афаксия (кўз гавҳари йўқлиги, кўриш ўткирлиги 0,4 гача), кўз гавҳари силжиши (жой ўзгариши); глаукома (туғма, иккиламчи); тўр парданинг кўчиши);
- таянч-ҳаракат аппарати бузилиши (III ва IV даражали сколиоз; кўкрак қафасининг III ва IV даражали гидродисимон ёки килсимон деформацияси; артрогрипоз; болалар церебрал фалажи ва бошқа неврологик патологиялар оқибатида ортопедик деформациялари; остеомиелит асоратлари; туғма маймоқлик (жароҳлик муолажасидан кейинги ҳолат); ортопедик систем касалликлари (ахондроплазия, дисхондроплазия, хондродистрофия); туғма сон суюк чиқиши (оператив даволашдан кейинги ҳолат);
- психик ривожланишдаги нуқсонлар (психик ривожланишда кечикиш, психик-нутқий ривожланишда кечикиш, болалар аутизми);
- ақлий ривожланишдаги нуқсонлар (енгил ва ўрта даражадаги ақлий заифлик);
- мураккаб нуқсонлар (ривожланишда икки ва ундан ортиқ нуқсонлар мавжудлиги).



**Грипп юқтириш хавфи
юқори бўлгани учун кимлар
мавсумдан олдин эмланади?**

Грипп юқтириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган ҳамда мавсумдан олдин эмланган шахслар контингенти тасдиқланган.

Унга куйидагилар қиради:

- ҳомиладор аёллар;
- 6 ойликдан катта болалар ва нафас олиш органлари ва юрак-қон томир тизимларининг маълум сурункали касалликларига чалинган катта ёшлилар;
- 60 ёшдан ошган шахслар;
- 6 ойликдан 59 ойликкача бўлган болалар;
- тиббиёт ходимлари;
- Меҳрибонлик уйлари, қариялар ва ногиронлар учун “Саховат” интернет уйлари, ногиронлар ҳамда ногирон болалар учун “Мурувват” интернат уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйларида, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатларда) яшаётган шахслар.

ОРТГА ҚАЙТИШМИ?

Марказий банк валюта конвертацияси қоидаларига киритилаётган ўзгартиришларга тушунтириш берди

МАРКАЗИЙ БАНК ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ СОТИБ ОЛИШ ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА. ВАЛЮТА СОТИБ ОЛИШДА ЗАРУР БЎЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР СЕНИ ОРТИШИ, НОРЕЗИДЕНТЛАРДАН МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ МАБЛАҒЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА БОШҚАЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНИШИ МУМКИН. МАРКАЗИЙ БАНК ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ЛОЙИХАСИНИ МУҲОКАМА УЧУН ЭЪЛОН ҚИЛДИ.



» **Айрим ҳолларда банк миллий валютадаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам талаб қилиши мумкин бўлади. Хусусан, норезидентлар хориждаги ҳисоб рақамларига ёки улар томонидан ташкил этилган хорижий корхоналарга маблағ ўтказишса.**

Ўзгартиришларда тадбиркорлик субъектлари томонидан чет эл валютасини харид қилиш устидан назоратни кучайтириш таклиф этилмоқда. Валюта сотиб олиш учун ариза топширилганда, илова қилиниши керак бўлган қўшимча тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхати кенгайтирилиши мумкин. Жумладан:

- валюта операциясини амалга ошириш учун тузилган шартнома (шартнома, битим, счё-фактура);
- лизинг ва хорижий валютадаги кредитларга хизмат кўрсатишда — асосий қарз ва фоизлар тўловларини қайтариш жадвали;
- хорижий инвесторларнинг фойдалари, дивидендлари ва бошқа даромадлари репатриация қилинганда — фойда тақсироти, дивидендлар тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат, аудиторлик ташкилоти ёки солиқ органининг хулосаси, шунингдек, солиқ органининг даромад солиғи тўлангани тўғрисидаги тасдиқнома.

Айрим ҳолларда банк миллий валютадаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам талаб қилиши мумкин бўлади. Хусусан, норезидентлар хориждаги ҳисоб рақамларига ёки улар томонидан ташкил этилган хорижий корхоналарга маблағ ўтказишса.

Шунингдек, ушбу лойиҳага кўра, сўм маблағларини хорижий валютага конвертация қилишда банклар томонидан Ўзбекистон банкларидан олинган хорижий валютадаги кредитлар (лизинг) бўйича мuddатга ўтган қарздорликни ундириш учун мижознинг аризаси талаб қилинмайди.

Хорижий валютани харид қилиш бўйича аризалар шу кунгек дастлабки текшириш учун банк филиалига юборилиши кутилмоқда. Қоидаларнинг амалдаги таҳририда ариза банкнинг алоҳида таркибий бўлинмаси томонидан кўриб чиқиши белгиланган.

Лойиҳага кўра, агар дастлабки текшириш вақтида ариза тегишли тартибда тўлдирилмагани ёки тасдиқловчи ҳужжатлар йўқлиги аниқланса, банк филиали камчиликларни бартараф этиш учун аризани мижозга қайтаради. Агар ҳаттолар бўлмаса, ариза кўриб чиқиш учун бош банкнинг таркибий бўлинмасига юборилади. Яъни, эндиликда валюта сотиб олиш бўйича аризалар банк филиалларида маъқулланса, ўзгартиришлар киритилган тақдирда яқиний қарор бош банк томонидан қабул қилинади.

Норезидентлар Ўзбекистон банкларидан очилган миллий валютадаги ҳисобварақларига қонуний йўл билан топилган маблағлари тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида киритилади.

Норезидент жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялари, агар маблағларнинг қонуний келиб чиқиши тўғрисида далиллар мавжуд бўлса амалга оширилиши таклиф этилади. Банклар томонидан декларацияни талаб қилмайдиган миқдорда им-

порт қилинган хорижий валютани сотиб олиш бундан мустасно.

Бундан ташқари, норезидентлар томонидан бир қатор банк операцияларини амалга оширишда ҳужжатларни — божхона декларацияси ёки ўтказма тўғрисидаги ҳисобварақдан кўчирмани тақдим этиш бўйича истисноларни бекор қилиш таклиф этилмоқда. Шу билан бирга, муайян ҳисоб-китоблар учун (банк хизматларини кўрсатиш, юридик шахснинг ҳисоб рақамига устав капиталини киритиш хайрия) бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу лойиҳа муҳокамаси 19 ноябрда давом этади.

Лойиҳага иқтисодчиларнинг эътирозли фикр-мулоҳазалари эълон қилина бошланди.

НАЗОРАТ ТИЗИМИ БЎЛИШИ КЕРАК

Молиячи Отабек Бакиров ОАВга берган интервьюсида агар Марказий банк таклиф этилаётган ўзгартиришларни муҳим ва зарур деб ҳисобласа, уларни валюта операцияларини амалга ошириш тўғрисидаги қоидаларга эмас, балки жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат билан боғлиқ қоидаларга киритиш кераклигини таъкидлаган.

Шунингдек, у илгари Марказий банк ўзгартиришларни асосан валюта рисклари, комплаенс-назорат билан асослаган. Менинг биринчи талабим шуки, бу Марказий банк, прокуратура ва Солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган легаллаштириш бўйича ички назорат қоидаларида ёки яхшироғи, даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонуннинг ўзида акс эттирилиши керак. Марказий банк осон йўлни танлагани учун бундай қилмаган бўлиши мумкин, деб ўйлайман. Чунки, мазкур ҳолатда бу ўзгартиришлар юзасидан прокуратура ва солиқ идоралари билан келиши зарур бўларди. Шу сабабли ўзгартиришларни улар ўзлари ишлаб чиққан қоидага киритишни таклиф қилаётгани тўғрисида фикр билдирган.

Шу билан бирга, молиячи ўзгартиришлар банкда операция бўйича шубҳа туғилса, аризани қайтариб юборишни назарда тутаяди, деб ҳисобламоқда.

Айтилик, мижоз чет эл валютасини сотиб олиш учун ариза беради, лекин банкда унинг импорт шартномаси юзасидан шубҳа бор, — дейди О.Бакиров. — Марказий банк таклиф этаётган ўзгартиришлар бўйича банк аризани қайтариб юбориши керак бўлади. Ушбу ўзгартиришлар легализация қоидаларига киритилган тақдирда эса банк аризани қайтариб юбора олмайди. Банк операцияни тасдиқлайди, бироқ операцияни шубҳали деб белгилайди ва бу ҳақда Бош прокуратура департаментига хабар беради. Буларнинг орасида жуда катта фарқ бор. Масалан, мижоз конвертация орқали Кипр ва Ита-

лиядаги компаниядан ускуна сотиб олади, бироқ операциядан кўриниб турибдики, ускуна аслида Россияда қандайдир афилланган компанияга тегишли. Бундай ҳолда, банк барибир валюта сотиб олишни тасдиқлаши керак, аммо операцияни шубҳали деб топиши ва бу ҳақда Бош прокуратурага хабар бериши керак. Кейин эса прокуратура бориб мижоздан хариднинг мақсади тўғрисида сўраши лозим.

Бундан ташқари, ҳозирда банклар шундоқ ҳам «хавфсизлик нуқтаи назаридан» асословчи ҳужжатлар, жумладан, шартномалар, битимлар, инвойслар, кредитлар бўйича тўлаш графиги ва бошқа маълумотларни талаб қилмоқда. Банкларнинг бош офисларида аризаларни кўриб чиқиш масаласига келсак, шундоқ ҳам ҳозирда аризаларнинг қарийб 90 фоизи Тошкент шаҳрида тасдиқланмоқда.

» **«БОЗОРГА АЛЛАҚАЧОН САЛБИЙ ТАЪСИР ҚИЛДИ»**
— Марказий банкнинг валютани сотиб олиш шартларини ўзгартиришга оид лойиҳаси фонд бозорига аллақачон салбий таъсир кўрсатди, дейди «Тошкент» фонд биржаси бошқаруви раиси Георгий Паресишвили. — У конвертацияни мураккаблаштириш инвесторларни чўчитишини таъкидлади ва жараёни соддалаштириш тарафдори эканини айтди.

Георгий Паресишвилига кўра, инвесторлар ўз маблағларини олиб чиқиш ва Ўзбекистондан олинган даромадларни репатриация қилиш

тартиблари мураккаблашиши мумкинлигидан хавотирда.

Бугунги кунда маблағларни (масалан, хорижий инвесторлар Ўзбекистон компаниялари акцияларини сотишдан олган фойдани) сўмдан долларга конвертация қилиш бўйича сўров келиб тушганда, маҳаллий банклар инвесторлардан ушбу битим биржада амалга оширилганини исботлашни ва фойда суммаси қимматли қоғозлар савдоси натижасида қандай шакллантирилганини батафсил тушунтиришни талаб қилмоқда.

Агар таклиф этилаётган қўшимча бўйича меъерий ҳужжатлар қабул қилинса, валюта сотиб олиш ва олиб чиқиш тартиби жуда мураккаблашади, — дейди Георгий Паресишвили. — Бу бизнинг биржамиздаги жиддий хорижий инвесторлар учун эшикларни амалда ёпади. Ҳеч бир нормал инвестор валютани сотиб олиш ва ечиб олишда ундан кўплаб мураккаб ҳужжатлар талаб қилинишини билладиган бозорга киришни истамайди. Шу билан бирга, хорижий инвесторлар томонидан валюта конвертацияси ва даромадларни репатриация қилиш жараёнини кучайтириш инвестиция қилишга салбий таъсир кўрсатади, чунки капитал экспорти йўлидаги тўсиқлар мамлакатга хорижий инвестициялар оқимини камайтиради.

Марказий банк биз ман қилмаёмиз, шунчаки қўшимча ҳужжатлар талаб қилмаёмиз, дейиши мумкинлиги аниқ. Бироқ, бу аслида чекловга олиб келади, чунки бюрократия янада мураккаблашади ва инвесторлар конвертация қилиш ва мамлакатдан маблағларни олиб чиқиш учун қўшимча харажатларни кўтаришга мажбур бўлади.

Биржа раҳбарининг таъкидлашича, маҳаллий бозор иштирокчилари ва хорижий инвесторлар Марказий банк томонидан таклиф этилаётган ўзгартиришларни валюта либераллашувидан қайтишининг дастлабки белгиси сифатида қабул қилинмоқда. Унинг таъкидлашича, ушбу лойиҳа бозор иштирокчиларининг барча шарҳларини инобатга олган ҳолда, ҳар томонлама муҳокама қилиниши керак.

«ОРҚАГА ҚАЙТИШ БЎЛМАЙДИ»

Лойиҳа кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгандан сўнг билдирилаётган фикр-мулоҳазаларга жавобан Марказий банк ўзгартиришлар қўйидаги мақсадларга қаратилганини қайд этди. Жумладан,

- янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда, қоидаларда ўрнатилган нормалар ва талабларни мувофиқлаштириш;
- қоидаларда белгиланган нормаларни турлича талқин қилиш ҳолатларини бартараф этиш учун ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасини харид қилишда хизмат кўрсатувчи банкларга тақдим этилиши лозим

бўлган ҳужжатларни аниқ белгилаб қўйиш;

- чет эл валютасини сотиб олиш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш жараёнини янада соддалаштириш (вақт ва маблағлар бехуда сарфланишининг олдини олиш) учун дастлабки босқичда аризаларни кўриб чиқиш функциялари банкнинг бош офисидан филиалига ўтказилади;
- норезидент жисмоний шахсларга қўшимча қулайликлар яратиш учун уларнинг нақд хорижий валютасини республика ҳудудида қонуний равишда бўлиб турганини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида банк кассасида қабул қилиш механизмини жорий этиш;
- мижозларга тушунарли бўлиши учун қоидаларнинг турли бандларида кўрсатилган банк кассалари орқали мижозларга нақд хорижий валютани бериш билан боғлиқ қоидаларни алоҳида бандда ажратиб кўрсатиш.

Марказий банк ҳужжат лойиҳасидаги банк филиалида аризани олдиндан текшириш бўйича қарорини тушунтирган. Марказий банк маълумотларига кўра, таҳлиллар юридик шахсларнинг хорижий валютани сотиб олиш бўйича аризаларида турли хил майда камчиликлар (шартноманинг нотўғри кўрсатилиши, валюта номининг нотўғри ёзилиши каби оддий, техник хатолар) мавжуд бўлган ҳолларда ҳам, ушбу аризалар кўриб чиқиш учун бош банкнинг таркибий бўлинмасига юборилаётгани, сўнгра эса банк раисининг ўринбосари аризани рад этаётганини кўрсатган.

Бу ҳолат, ўз навбатида, вақт ва ресурсларнинг ортиқча ҳамда бехуда сарфланишини талаб қилиб, тадбиркорлик субъектларига ноқулайлик туғдирмоқда, дейилади Марказий банк хабарида. Шу боис, банк филиалларида дастлабки текшириш босқичи ва камчиликлар мавжуд бўлса, уларни бартараф этиш учун аризани қайтариш механизми жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, банкнинг таркибий бўлинмаси аризаларни тасдиқламайди, чунки буни банк раисининг ўринбосари амалга оширади.

Шунингдек, Марказий банк раиси ўринбосари Бобир Абубакиров бу «орқага қайтиш бўлмайди», дея фикрини билдирган.

- Ҳужжатда процедурани соддалаштириш ва банк мижозлари учун ортиқча қоғозбозликнинг олдини олиш мақсадида техник ўзгаришлар ҳақида гап борган. Ўзгартиришлар ҳеч қандай чекловларни назарда тутмайди, — дейди у. — Унга кўра, ҳужжат лойиҳа мақомига эга ва жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган. У фойдаланувчилардан изоҳ ва таклифларни қолдиришни сўради ва улар ҳужжатни кўриб чиқишда инобатга олинишини қайд этди.

“Ўзбекистон ovozi” муҳбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

REKLAMA O'RNIDA

 +15 Коракалпоғистон Республикаси Хоразм	 +18 Бухоро Навоий	 +17 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё	 +22 Қашқадарё Сурхондарё	 +15 Андижон Наманган Фарғона	 +18 Тошкент шаҳри
--	--	--	---	---	--

t.me/uzbekiston_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | info@uzbovozi.uz | www.uzbovozi.uz

ФАРОВОНЛИК САОДАТИ

БАРЧАМИЗГА МАЪЛУМКИ, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ЯНАДА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА. АЛБАТТА, БУ БЕЖИЗ ЭМАС. ЗЕРО, СОДДА ҚИЛИБ АЙТГАНДА, ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛИБ, ТАДБИРКОРЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЯЁТГАНЛАР ЎЗ ОИЛАСИНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БИРГА ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИБ, ПИРОВАРДИДА МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲАМ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА. БУНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ БЕКОБОД ШАҲРИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН "FARAVON BUNYODKOR ISHONCH" МЧЖ РАҲБАРИ ДОСТОН АЗИМБОВЕВ МИСОЛИДА ҲАМ КЎРИШ МУМКИН.



Мақолаимиз қаҳрамони Достон Азимбоев 1990 йил 29 июлда Бекобод туманида туғилган. 2017 йил Тошкент архитектура қурилиш институтини тугатган ва шу йили Бекобод шаҳрида фаолият юритаётган "FARAVON BUNYODKOR ISHONCH" МЧЖда оддий ишчиликдан меҳнат фаолиятини бошлаган. Ўз устида тинимсиз изланиши, ташаббускорлиги билан жамоа орасида эътибор қозониб, қурилиш бўлими бошлиғи бўлди. 2019 йилда иш фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида "IBRAT XOS OBOD" МЧЖни ташкил этишда ўз ҳиссасини қўшди.

Достон Азимбоевнинг фаолияти "FARAVON BUNYODKOR ISHONCH" корхонаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечмоқда. Ҳозирги кунда ушбу корхонанинг бошқарувчи раҳбари бўлган бу ташаббускор инсон ўзининг кадрдон жамоаси билан ишларни самарали ташкил этиб, билдирилаётган ишончини оқламоқдалар.

– Нафақат Бекобод шаҳри, балки Тошкент вилояти миқёсида амалга ошираётган ишларимиз юртимиз ривож учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганидан хурсандимиз, – дейди Достон Азимбоев биз билан суҳбатда. – Корхонамизнинг асосий иш йўналиши қурилиш ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида жамоамиз катта тажриба тўплаб, билдирилган ишончини оқлаб келмоқда. Ушбу ишларимиздан мисол келтирадиган бўлса, 2021 йилда корхонамиз томонидан "Ўзметкомбинат" АЖ маблағи ҳисобига Бекобод шаҳрига кириб келишдан комбинатнинг электрда пўлат

эритиш цехигача бўлган 1,2 километр оралиқ масофада янги автомобиль йўли қисқа муддатларда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эни 13 метр бўлган ушбу йўлнинг қурилиши билан комбинатга келтирилаётган юк ҳамда корхонадан олиб кетилаётган тайёр маҳсулотлар шу йўл орқали ташилиши йўлга қўйилиб, юк автомобилларининг шаҳарга киришига ҳолат қолмади. Шу билан бирга комбинат ишчи-ҳодимларининг ишга келиб-кейтиши учун ҳам қўшимча қулайлик яратилди.

Жамоамиз томонидан ушбу автомобиль йўлини қуриш ишлари жадал суръатларда олиб борилиши давомида пиёдалар йўлакчаси барпо этилиб, тунги чироқлар, лотоклар, қуворлар ўрнатилди ҳамда меваги ва манзарали дарахт қўчатлари экилди, йўл атрофи ободонлаштирилди. Демокчи бўлганим шуки, ишларни сифатли ташкил этиб, ишончини оқлаш биз учун энг муҳим ва асосий бўлган тамойил ҳисобланади.

"FARAVON BUNYODKOR ISHONCH" корхонаси ҳозирда Тошкент вило-

иштирок этипти. Замонавий болалар боғчаларини қуриш, мавжудларини қайта қуриш ва таъмирлаш, оқова сув қувурларини ётқизиш каби ишлар шулар жумласидан саналади.

Корхона мавжуд талабдан келиб чиққан ҳолда фаолият йўналишини кенгайтириб бормоқда. Жумладан, замонавий ойналарни ўрнатиш, биноларнинг фасад қисмини таъмирлаш, шунингдек, миллий таомлар ошхоналари фаолиятини йўлга қўйилди.

– Президентимиз томонидан тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар бизни янада руҳлантириб, фаолиятимизни кенг йўлга қўйишга имкон яратмоқда, – дейди Достон Азимбоев.

–Хабарингиз бор, мамлакатимиз тараққиётининг кейинги босқичида Тошкент вилоятининг тарихида янги саҳифа очилмоқда. Биргина вилоят маркази бўлган, тобора замонавий қиёфа касб этиб бораётган Нурафшон шаҳридаги ўзгаришлардан, бунёдкорлик ишларидан кишининг кўнгли тоғдай кўтарилади. Эътиборлиси, вилоятнинг барча туманларида ҳам мана шундай улкан ўзгаришлар рўй бермоқда, кундан-кунга янги бинолар қад ростлаяпти, аҳоли фаровонлиги учун хизмат қиладиган инфраструктуралар яратилапти. Биз ҳам жамоамиз билан юртимизнинг равнақи йўлида қилинаётган бундай хайрли ишларда иштирок этаётганимиздан хурсандимиз. Бу жараёнда ўзимизга топширилган вазифаларни сиздиқидилдан адо этиш асосий мақсад саналади. Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг билдираётган ишончи ҳам иш фаолиятимизни самарали йўлга қўйишда

турли хил миллий вакилларидан иборат 100 нафардан ортиқ ишчилар ишлашди. Соғлом меҳнат муҳити яратилгани тўғрисида жамоа аъзолари аҳил-инокликда фаолият олиб боришмоқда.

Албатта, аҳилликда ҳикмат кўп. "FARAVON BUNYODKOR ISHONCH" корхонаси яхши ва сифатли хизматларни амалга ошираётгани учун ўз йўналишида ISO туркумидаги 4 та халқаро сертификатларни қўлга киритгани ҳам жамоада ишларнинг тўғри йўлга қўйилгани ва аҳиллигининг самараси, десак янглишмаган бўламиз.

– Оддий оила фарзандиман, – дейди суҳбатдошимиз ёш бўлса-да эришган ютуқларининг сир-асрорлари ҳақида сўрган саволларимизга камтарлик билан жавоб берар экан. – Отам Муртожон Ҳақимов фермер хўжалиги фаолиятини юридадилар. Онам Ҳақимова Саодат ҳозирги кунда нафақада.



Ота-онамнинг, устозларимнинг қўллаб-қувватлашлари, дуолари, тўғри йўл кўрсатаётганлари нафақат менинг, балки кўп сонли жамоамизнинг ҳам ютуқларида катта ўрин тутмоқда, деб ўйлайман. Корхонада ўз ишини сиздиқидилдан яхши кўриб, фидойилик билан ишлаётганлар жуда кўпчиликини ташкил этади. Яна бир муҳим жиҳати, улар бугунги кун нафасини, шиддатини ҳис қила оладиган ёшлар ҳисобланади. Дейлик, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги хизмати бошлиғи бўлиб ишлаётган Сардоржон Маматқуловни олиб кўрайлик. Бекобод туманида туғилган Сардоржон Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги университетини 2019 йил тамомлаб, қатор корхона-ташкilotларда масъулиятли лавозимларда ишлаган, ўз касбининг фидойиси, билимли, салоҳиятли йигит. Яна бир жамоамиз аъзоси Қаҳрамон Маматқулов ҳақида ҳам мана шундай эътирофларни айтиш мумкин. 1995 йилда Бекобод туманида зиёли оилада таваллуд топган Қаҳрамон 2018 йили Тошкент молия институтининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультетини тугатган. Ўтган йиллар давомида корхонамизда турли лавозимларда



ишлаб, ёш бўлишига қарамасдан катта тажриба тўплаган. Шунингдек жамоамизнинг тажрибали ходимларидан бўлган, 1964 йилда Бекобод туманида зиёли оилада таваллуд топган, меҳнат фаолияти давомида "Ўзметкомбинат" АЖ, "Бекобод туман йўллардан фойдаланиш корхонаси" давлат муассасаси, "Бекобод шаҳар ободонлаштириш бошқармаси" каби нуфузли ташкilotларда тажриба тўплаб ҳозирда корхонамизнинг йўл қурилиши бўлими иш бошқарувчиси бўлган Саитмирзаев Райимжон ака ҳамда 1951 йилда Бекобод туманида зиёли оиласида таваллуд топган, 1974 йилда Тошкент Давлат техника университетининг қишлоқ хўжалиги қурилиши йўналишини тамомлаб узоқ йиллардан бери қурилиш соҳасида ишлаб, ҳозирда корхонамизда бош муҳандис лавозимида ишлаб келаётган Ибрагимов Абдумалик акаларни ҳам эътироф этсак бўлади. Аслини олганда, мен раҳбар сифатида жамоамизнинг ҳар бир аъзосининг меҳнатини муносиб эътироф этаман. Халқимизда "Бирники – мингга, мингники туманга", деган ҳикмати нақл бор. Биз ушбу нақлнинг ижобий жиҳатини мезон қилиб олган ҳолда фаолиятимизни самарали йўлга қўйиб келяпмиз. Ўрни келганда, юртимиздаги тинчлик, фаровонликка кўз тегмасин, деймиз. Зеро, тинчлик-осойишталик бор экан, биз мана шундай эмин-эркинликда ишларни амалга ошириб, юрт равнақи учун хизмат қиляпмиз.

Достон Азимбоев устози Отабек Тошматов ва бошқалардан шу соҳанинг сир-асрорларини ўрганиб, корхона равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Юртимиздаги бугунги бўлаётган улкан ўзгаришлар, янгиликлар замирида аввало, тинчлик-осойишталик ётади. Мақолаимиз қаҳрамони Достон Азимбоевнинг бу каби теран фикрларидан кўнглимизга ажиб ёруғлик иниб, корхона жамоасига "Эл-юрт ишончини доим оқлангизлар", деб эзгу ниятлар билан муваффақиятлар тилади.



ятининг барча ҳудудларида қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Корхона жамоаси вилоятда Давлат дастурлари асосида ижтимоий объектларни қуриш ва инфраструктураларни яратишда фаол

катта ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Меҳнатларимиз юксак эътироф этилиб, корхонамиз жамоаси муқофотларга, рағбатларга лойиқ қўрилаётгани ҳам жамоамизга янада куч-ғайрат бағишламоқда. Корхонада

Нурафшон юртнинг ишончли бунёдкорлари



"Ўтаётган кунлар умр дафтаримизнинг саҳифалари" деган эди алломалардан бири. Дарҳақиқат, ҳар бир кун умримиз дафтарига ажратилган бир саҳифа бўлиб, вақти келиб бу саҳифаларни арақлаганда ёруғ хотираларни эсга олиш катта бахт саналади.

Ҳар бир инсоннинг умр йўллари ва хотиралари бўлади. Маматқул ака ва Ҳикоят опа Тошматовлар хонадонидан 1977 йилда дунёга келган Отабек ҳам ёшлик чоғлариданоқ доимо отасининг ёнида бўлишга, отасидан иқтисодий ва бошқа соҳалар сир-асрорларини ўрганишга ҳаракат қилар эди.

Маматқул ака Тошматовни Бекобод туманида жуда кўпчилик яхши танийди. Доимо элнинг ҳурматида бўлиб келган бу инсон нуфузли лавозимларда ишлашига қарамасдан, эзгулик қилишни ўзининг ҳаётдаги эзгу амалларидан деб биларди. Одамларга доимо ёрдам беришга ҳаракат қилар, уларнинг ташвишу муаммоларини тинглаб, қўлдан келганча жойида ҳал қилар эди. Бекобод туман молия бўлими мудири бўлиб узоқ йиллар ишлаган Маматқул ака тумани ривожлантириш учун бор имкониятини ишга солиди, халқ билан бирга бўлиб, одамларга кўмакдош, елкадош бўлишга интилди.

Халқимизда "От ўрини тойдирар", деган ҳикматли нақл бор. Маматқул аканинг фарзандлари ҳам отасига муносиб издош бўлиб етиши чиқшиди. Бекобод тумани ҳамда шаҳрида ўз ўрнига эга бўлиб, эл-юрт равнақиға муносиб хизмат қилишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Фарзандларини кўрган кўпчилик бекободликлар "худди Маматқул акани кўргандек бўламиз, бизларга кўплаб яхшиликлар қилган ажойиб инсон эдилар, келинг, бир дуолар қилайлик", дея илиқ хотиралар билан эсга олиб, дуолар қиладилар.

Ота-онанинг ибратли ҳаёти бошқалар учун ўрнак бўлиши ҳам катта бахт саналади. Отабекнинг онаси Ҳикоят опа ҳам оддий оилада тарбия топган ажойиб бағрикенг инсон бўлиб, таълим соҳасида фаолият юритиб, кўп йиллар давомида ўқитувчилик қилиб нафақага чиққан, бугунги кунда фарзандларининг бахту қамоли учун борлигини фидо қилган ўзбек аёлларидан бири

ҳисобланади. Ҳозирда 73 ёшда бўлган Ҳикоят опа фарзандлари, неварачеваралари ардоғида ҳаёт кечирмоқда.

Бу оилада камол топган фарзандлар Уйғун Тошматов, Ўктам Тошматов, Ўткир Тошматов, Улуғбек Тошматов, Отабек Тошматовларнинг барчаси ҳозирда жамиятимизнинг турли соҳаларида эл-юрт равнақи учун хизмат қилиб келмоқдалар.

Мақолаимиз қаҳрамони бўлган Отабек Тошматовнинг фаолияти асосан металлургия соҳаси билан боғлиқ ҳолда кечди. 2001 йилда Ўзбекистон металлургия комбинатида экспедитор бўлиб иш бошлаган суҳбатдошимиз жамиятнинг қурилиш-монтаж трести цехи бошқарувчисининг ўринбосаригача бўлган масъулиятли лавозимларда ишлади. 2016 йилда "FARAVON BUNYODKOR ISHONCH" МЧЖни ташкил этиб тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

– Корхонамиз ташкил топгандан буён, қурилиш-монтаж ишлари ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келмоқда, – дейди Отабек Тошматов биз билан суҳбатда. – Майда бетонли блоklar, "Ақфа" ром ва эшикларни тайёрлаш, асфальт қоришмаси ишлаб чиқариш, манзарали брусчатка тайёрлаш, плита қуйиш цехлари мавжуд бўлиб, асосан Бекобод шаҳридаги ижтимоий объектларда ишларни амалга ошираёпмиз. Тошкент вилояти бўйича ҳам фаолиятимизни йўлга қўйиб, юртимиз равнақи учун ҳисса қўйишга ҳаракат қиляпмиз.

Отабек билан суҳбатлашсангиз, юз-кўзларидан нур ёғилиб турган бу инсоннинг саимий-

лиги ва камтаринлигини кўриб, шундай тарбиялагани учун ота-оналарига раҳматлар айтасиз.

– Муҳтарам Президентимиз томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда, – дейди суҳбатдошимиз. – Бизнинг ҳам тадбиркорлигимиз оилавий бўлиб, ака-укалар аҳилликда жуда кўплаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилган ҳолда турли йўналишларда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб боришга ҳаракат қиляпмиз.

Бу орқали қўшимча иш ўринларини яратиш ҳам оиламизга, ҳам давлатимизга наф келтиришни асосий мақсад қилганмиз. Ёнимизга ака-укаларнинг фарзандлари ҳам қўшилиб, корхонамиз ривож учун муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳикоят ҳожи онамизнинг дуоларини олиб, эзгу ниятлар билан ишларни бошлаймиз. Ота-онамдан олган сабоқларим ҳаёт йўлларимни ёритувчи маёқ, деб биламан. Жамоамиз билан Тошкент вилоятида амалга оширилаётган қурилиш жараёنларида иштирок этиб, фарзандларимиз учун замонавий болалар боғчалари ҳамда мактаблар қурилишида қатнашаётганимиздан мамнунимиз. Вилоят ҳокими Зоир Мирзаевга ҳам ишонч билдираётгани учун миннатдорлик билдираимиз. Тинч ва фаровон юртимиз равнақи йўлида яратилаётган барча шароитлардан муносиб фойдаланиб, сиздиқидилдан хизмат қилиш бизнинг фарзандлик бурчимиз саналади, – дейди суҳбатдошимиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

- | | |
|------------------------|-----------------------|
| Ulug'bek INOYATOV | Muslihidin MUHIDDINOV |
| Ulug'bek VAOFOYEV | Hayotxon ORTIQBOYEVA |
| Maqsuda VORISOVA | Shuhrat ISLOMOV |
| Qalandar ABDURAHMONOV | Toشتهмир XUDOYQULOV |
| Guliston ANNAQILICHEVA | |

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bo'smaxonasiida chop etildi.

Korxonona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1136. 6763 nusxada bosildi. O'za yakuni — 21:10 Topshirilgan vaqti — 23:20

Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.